

## КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ: ИМКОНИЯТЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Б.Э.Ниязхонова<sup>1</sup>, И.Н. Намозов

*BuxDU Fizika kafedrasida dotsenti<sup>1</sup>, Fizika kafedrasida magistri<sup>2</sup>*

**Аннотация:** Мақолада кредит таълим тизимини татбиқ этиш, кредит бирликларини ўтказиш ва тўплаш бўйича Европа кредит тизимининг хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек, кредит таълими тизимини жорий этишнинг афзалликлари масалалари кўриб чиқилди.

**Калит сўзлар:** Кредит-модуль таълим тизими.

Барчамизга маълум, сўнги йилларда мамлакатимизда таълим тизимига эътибор кучайтирилди. Таълим тизимини изчил ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” бўлди. Мазкур концепцияга кўра мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилгани ҳам бешик эмас. Бу яқин йиллар давомида юртимиздаги деярли барча ОТМлар кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашидан дарак беради.

Ўқишга кирган талаба у ерда айнан қайси фанларни ўрганишни қисман ўзи танлаши мумкин. Талабалар олдиндан ўқишлари давомида қайси фанларни ўрганиши мумкинлиги, ушбу фанларни қайси устозлар ўқитиши, дастур давомида қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишлари ҳақида маълумотга эга бўлишликлари, буларнинг барчаси, таълимда шаффофликни таъминлашга қаратилган. Табиий савол туғилади, кредит-модуль тизими ўзи нима? Бу тизимнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни қандай?

**Кредит** – олий таълимнинг муайян босқичида ушбу таълим даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан мунтазам равишда тўплаб бориладиган рамзий ўлчов бирлиги. Бу бирлик талаба маълум миқдордаги ўқиш юкчасини бажарганлиги ва муайян ўқиш натижаларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини англатади.

**Модуль** – яхлит, муайян ўқув натижаларига эришишга қаратилган, ўзининг баҳолаш мезонларига эга бўлган тизимли, изчил ўқиш ва ўрганиш ҳаракатлари жамланмаси. У одатда бир семестр давом этади лекин айрим ҳолларда бир неча соатдан иборат бўлиши ҳам мумкин. ECTS тизимида ҳар бир модуль ўзида муайян миқдордаги кредитларни акс эттиради.

Шундан келиб чиқиб, кредит-модуль тизимига таъриф бериладиган бўлса, **кредит-модул** – ўқитишни узвий боғлиқликдаги модулларини ёки модуллар блокинни ўзлаштириш учун талабаларнинг зарур бўлган ўқув юкчасини ўлчаш бирлиги сифатида модулли ўқитиш технологиялари ва кредитларнинг бирлигига асосланган ўқув жараёнини ташкил этиш тизимидир. Бу тизимда ўқув дастурлари муайян ўқиш натижаларини кўзловчи турли фан ва модулларга бўлинади. Ҳар бир фан ёки модуль эса ундаги ўқиш юкчаси миқдорига қараб муайян миқдордаги кредитларда акс этади. Масалан ҳар бир фан ўртача 5, 6 ёки 7.5 кредитларда акс этиши мумкин. Талаба эса ҳар семестр, ўқув йилида муайян миқдорда кредитлар тўплаб бориши лозим бўлади. ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60 тани ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборат бўлгани учун талаба ўқиши давомида ҳар семестр 30 кредит тўплаб бориши зарур. Ўқиш давомийлиги 4 йил эканлигини ҳисобга олсак, талаба жами 240 кредит тўплаши керак бўлади.

Ушбу тизимнинг самарадорлигига тўхталадиган бўлсак, Юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизимида талаба ҳар бир ўқув йили учун тўплаб бориши керак бўлган кредитлар миқдори олдиндан белгилаб қўйилган. Бу 60 кредитни ташкил қилади. Ҳар бир семестр учун

Белгиланган кредитлар миқдори эса 30 кредитни ташкил қилади. Бундан ташқари талаба ҳар бир кредитни қўлга киритиш учун белгиланган ўқиш юкламаси миқдори ҳам аниқ ва бу 25-30 соат оралиғида. Шундай экан талабаларнинг ҳар ўқув йилидаги ўқиш юкламаси ўртача 1500-1800 соат ( $60 \cdot 25 = 1500$ ;  $60 \cdot 30 = 1800$ ), ҳар семестрдаги ўқиш юкламаси эса ўртача 750-900 соатни ташкил этади ( $30 \cdot 25 = 750$ ;  $30 \cdot 30 = 900$ ). Талабанинг бир йиллик ва бир семестрдаги ўқиш юкламаси бу миқдордан кўп ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, Кредит-модуль тизимида кредитларнинг фанлар бўйича ўртача тақсимооти 5, 6 ёки 7.5 ни ташкил этишидан келиб чиқадиган бўлсак, талаба бир семестрда кўпи билан 4, 5 ёки жуда борса 6 та фан ўрганади ( $30/7.5=4$ ;  $30/6=5$ ;  $30/5=6$ ). Бу талабалар семестр давомида ўрганиши зарур бўлган фанларнинг сони амалдагидан кўра анча қисқаришини англатади. Яъни, кредит-модуль тизими таълим муассаса ўқув дастурларига меъёр ва сифат олиб кириши, таълимни ташкил этишда сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтишга хизмат қилади. Чунки фанлар сонининг бу тарзда қисқариши, эндиликда талабалар ўз вақт ва имкониятларини ана шу кам сонли фанларни чуқурроқ ва ҳар томонлама мукамал ўрганишларига имконият яратади.

#### **Адабиёт**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим Муассасаларида ECTS Кредит-Модуль Тизими: Асосий Тушунчалар ва Қоидалар. Воҳид Ўринов

#### **МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИГА ДОИР ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРНИ ТУШУНТИРИШДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МЕДИАТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Ҳ.О.Жўраев<sup>1</sup>, М.И.Насриддинов<sup>2</sup>**

*БухДУ Физика-математика факультети декани, п.ф. д, доцент<sup>1</sup>*

*БухДУ Физика мутахассислиги 1-босқич магистранти<sup>2</sup>*